

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 26-noyabr, payshanba, 136 (23.416)-son


**Кун ҳикмати**

Яхши мақсад
илм ва
фаросатдан
пайдо бўлади

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## НАСРИДДИНОВ ЖАМШИД ТЎЛҚИНОВИЧНИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига биноан ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. **Насриддинов Жамшид Тўлқинович** 2020 йилнинг 24 ноябридан Каттақўрғон тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор халқ депутатлари Каттақўрғон тумани Кенгаши тасдиғига киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.ТУРДИМОВ**
*2020 йил 24 ноябрь*
*№ 52-Қк*

**24 ноябрь куни Каттақўрғон тумани ҳокимлигида халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтказилди.**

## Каттақўрғон туманига ҳоким тайинланди



Сессияда вилоят ҳокими Э.Турдимов туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Хусусан, туманнинг собиқ ҳокими А.Баҳромов амалга оширган эзгу ишлар, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида илиқ фикрларни билдирди.

Шунингдек, туманга биринчи раҳбар сифатида тавсия этилаётган номзодга тўхталиб, мутасаддилар олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

- Албатта, Аъзамхон Усмонович ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожи, одамлар розилиги учун катта ишларни амалга оширди, - деди сессияда сўз олган Каттақўрғон туманидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Зайнаб Бердиев. – Туман ҳокими лавозимига тавсия этилган номзод ҳам ҳудуд учун бегона эмас, муҳими, у ўз вақтида А.Баҳромов билан бирга ишлаб, зарур ҳаётий сабоқ олган.

Сессияда шу пайтгача вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган Насриддинов Жамшид Тўлқинович Каттақўрғон тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

## JAMOATCHILIK.UZда жамоатчилик таклифлари қабул қилинмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг иштироки кенгайиб бормоқда. Фуқаролар жамият ҳаётидаги муаммоли масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва ташаббусларини билдиришда фаоллик кўрсатмоқда.




Бугун Ўзбекистонда қонунчиликка киритилиши лозим бўлган ўзгаришлар, ишлаб чиқилаётган янги қонун ҳамда давлат дастурларининг лойиҳалари, ҳатто маҳаллий даражадаги норматив ҳужжатлар ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ҳолда қабул қилиниши тизими шаклланмоқда. Хусусан, 2017 йилда тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида илк бор Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган ва муҳокамалар давомида фуқаролардан, идора ва ташкилотлардан кўплаб таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилган эди. Бу анъана йилдан-йилга давом этиб, фуқаролар овози, уларнинг фикри асосида дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса ўз навбатида давлат дастурларининг халқчиллигини оширади, уларнинг ижроси самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

2020 йил якунига бир ойча вақт қолган шу кунларда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан 2021 йил учун мўлжалланган Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш учун таклифларни қабул қилиш бошланди. Таклифлар **jamoatchilik.uz** платформаси орқали қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, давлат халқ иродасини ифода этади. Демак, тасдиқланаётган Давлат дастурлари ҳам халқнинг хоҳиш-истакларини, фуқароларнинг муаммоларини қамраб олиши ва пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшадиган устувор вазифаларни ўзида акс эттириши лозим.

**jamoatchilik.uz** платформаси орқали фуқаролар томонидан давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги таклифлари келиб тушмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг ривожланишида бу ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга. Бугун таклиф бериб, ташаббус кўрсатган жамият эртага унинг натижасини ҳам сўрайди, шу тартибда давлат ва жамият ўртасида онгли мулоқот муҳити шаклланиб боради.

**Зафар КАРИМОВ,**
**“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси раҳбари.**

## Раҳбарлар фаолиятига суд ижро ҳужжатларини бажаришига қараб баҳо берилади

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш суд ҳужжатлари ижросига бағишланди.

Йиғилишда жорий йилнинг 17 ноябрь куни Президентимиз бошчилигида суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган мажлисда белгилаб берилган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда нафақат Бош прокуратура, Мажбурий ижро бюроси, балки манфаатдор барча давлат органлари ва мутасадди ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан, ҳар бир вилоятда вилоят хокимлари раҳбарлигида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича кенгашлар ташкил қилиб, бюро органларини иш юритувидаги ижро ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, тизим фаолияти самарадорлигини кескин ошириш белгилаб берилди.

- Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармасининг иш юритувида ундирилиши лозим бўлган 891,1 миллиард сўмлик 95 минг 618 та ижро иши мавжуд, - деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. - Унинг 265,5 миллиард сўмини давлат фойдасига, 108,6 миллиард сўмини банк фойдасига ундириш билан боғлиқ ишлар ташкил қилади.

Демак, ҳар бир сектор, иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг вилоят ва шаҳар-туманлар миқёсидаги барча давлат органлари раҳбарлари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш соҳасида Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси билан масъулият, самара ва тизимлилик нуқтаи назаридан кунлик ҳамкорликни амалга ошириши шарт.

Йиғилишда Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев иштирок этди.

**Ё.ГАДОЕВ.**

## Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби

### ихтисослаштирилган таянч мактабга айлантирилади

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг жорий йил 24 ноябрдаги бу ҳақдаги қарорида қайд этилишича, мазкур таълим муассасаси негизида информатика ва ахборот технологиялари чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаб ташкил этилади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш, ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашишини таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш ихтисослаштирилган таянч мактабнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

***Матбуот анжумани***

## Муҳими – иш ўрни яратиш

Кейинги икки йилда Булунғур туманидаги 8 та мактабнинг битирувчиларидан ҳеч бири олий ўқув юртига ўқишга кирмаган.

Бу ҳақда вилоят Матбуот уйида туман ҳокими Баҳодир Баҳромов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айтилди. Мазкур мактабларда таълим сифатини ошириш мақсадида уларга вилоятдаги олий ўқув юртлари бириктирилган.

2019-2020 ўқув йилида туманда мавжуд 66 та мактабнинг 11-синфини 2816 нафар битирувчи тамомлаб, 2657 нафари олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Уларнинг 346 нафари, яъни 12,3 фоизи талаба бўлди.

Матбуот анжуманида туманда ишсизлар сонини камайтириш мақсадида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Бугунги кунда туман бўйича 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 39 минг 654 нафар бўлиб, 21 минг 466 нафари “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан хатловдан ўтказилди, 16 минг 827 нафари электрон рўйхатга киритилди.

Туманда 30 ёшдан ошган аёллар эса 22 минг 858 нафарни ташкил этади. Жорий йил 24 ноябрь ҳолатига 18 мингдан зиёд хотин-қизлар ўртасида анкета сўрови ўтказилиб, 17 минг 45 нафарининг электрон рўйхати шакллантирилган.

- Ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар рўйхатини шакллантирган билан иш битмайди, - дейди Баҳодир Баҳромов. – Тезроқ уларнинг бандлигини таъминлаш учун мақсадли вазифаларни бажаришимиз керак. Ишсизлар кўп, аммо бўш иш ўринлари кам. Шунинг учун янги иш ўринлари яратиш муҳим масала. Бунинг учун мавжуд имкониятдан фойдаланиб, ҳар бир маҳаллада камида биттадан кичик корхона, савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобча ташкил этиш бўйича аниқ мақсадимиз бор.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

*2021 йилда сув йиғиш ҳажми 100 миллион метр куб бўлган “Булунғур” сув омбори ва “Оқчобсой” сув омборининг 2-босқич қурилиш ишлари якунланади. Нуробод туманидаги сув йиғиш ҳажми 700 минг метр куб бўлган “Анжирли” сув омбори қурилиши бошланади.*

## Уч йилда вилоятимизда 6 та сув омбори қурилади



Бу ҳақда вилоят Матбуот уйида “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Фарҳод Ражабов иштирокида “Вилоятда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2021-2023 йилларда ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, "Булунғур" сув омбори қурилиши натижасида 21,8 минг гектар, "Оқчобсой" сув омборининг иккинчи босқич қурилиши натижасида 855 гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланади. "Анжирли" сув омбори қурилгач, 730 гектар янги ер майдони ўзлаштирилади. “Оқчобсой” сув омборида 9,3 километр ҳажмдаги ўзи оқар сув қувурлари қурилиши натижасида 1400 гектар майдон ўзлаштирилади.

- 2023 йилда умумий сув йиғиш ҳажми 21,4 миллион метр куб бўлган Ургут туманида “Чоштепасой”, “Ғиждувон” ва Қўшработ туманида “Оқтепасой” сув омбори қурилиш ишлари бошланади, - дейди Ф.Ражабов. - “Чоштепасой” сув омборининг қурилиши натижасида 550 гектар, “Ғиждувон” сув омбори бунёд этилгач, 1965 гектар ва «Оқтепасой» сув омбори ҳисобига 970 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

**Ўз мухбиримиз.**




**Муродхон ҲОЖИХОНОВ, «Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси директори:**

- Бир одатим бор: эрталаб бир финжон иссиқ қаҳва билан янги газетани ўқиш. Очиғи, газета ўқишим туфайли «Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси нафақат вилоятимизда, балки республикамизда илғор корхоналар сафига қўшилди. Тўғри, бу муваффақиятимизда меҳнатимиз, тадбиркорлигимиз, давлатимиз томонидан яратилган енгилликларнинг алоҳида ўрни бор. Аммо фаолиятим учун барча имконият, имтиёз, янгиликларни аввало «Зарафшон»дан олганман ва улардан ўз вақтида, самарали фойдаланганман. Ҳозир ҳам эрталабки ишимни «Зарафшон»ни ўқишдан бошлайман, қолаверса, корхонамиз ходимлари билан бирга ушбу қадрдон нашрга 2021 йил учун обуна бўлдик. Сиз ҳам обуна бўлишни унутманг!

**ОБУНА-2021**

**ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: 5502**

Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўймаслик мақсадида яқинда вилоят ҳокими Э.Турдимов раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда дорихоналар фаолиятида учраётган шундай камчиликлар қайд этилган эди.

# ДОРИХОНАЧИ маоши ойликми ёки кунлик?



Бугунги кунда вилоятимизда 676 корхонага тегишли 1025 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг 10 ойи давомида уларнинг ҳисоб рақамларига тушум 1 триллион 219 миллиард сўмни, бир ойлик ўртача тушум эса 122 миллиард сўмни ташкил этган.

Дорихоналар ҳисоб рақами корхонабай таҳлил қилинганда, бир ойлик савдо тушуми 10 миллион сўмгача бўлганлар 162 та (жами корхоналарнинг 24 фоизини), 40 миллион сўмгача бўлганлар 262 та (39 фоиз), 70 миллион сўмгача бўлганлар 118 та (17 фоиз), 100 миллион сўмгача бўлганлар 47 та (7 фоиз), 100 миллион сўмдан юқори бўлганлар 87 та (13 фоиз) эканлиги кузатилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, манзили бир-бирига яқин, яъни бир кўчада ёки тиббиёт муассасалари атрофида жойлашган ҳамда кундалик харидорлар оқими деярли бир хил бўлган дорихоналарнинг савдо тушуми кескин номутаносиб, яъни бир дорихонанинг ойлик тушуми йирик миқдорни ташкил қилади-ю унга қўшни бўлган бошқа бир дорихонада бунинг мутлақо акси.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида 422 та савдо нуқтаси мавжуд бўлган 273 та дорихонанинг 40 тасининг бир ойлик савдо тушуми 90 миллиард сўмни, яъни ўртача 2 миллиард 250 миллион сўмни ташкил этган. Аммо 233 та ёки дорихоналарнинг 85 фоизининг ҳисоб рақамига 7 миллиард сўм ёки жами дорихоналар тушумининг 7 фоизи келиб тушган. Бу ўртача 30 миллион сўмни ташкил этганлиги аниқланди.

Туманларда фаолият кўрсатаётган дорихоналарда ҳам савдо ҳажми йирик бўлса-да ҳисоб рақамга келиб тушаётган савдо тушумлари ҳажми бунга мутаносиб эмаслиги маълум бўлди.

Дорихоналарда фаолият кўрсатувчи шахсларнинг расман рўйхатга олиниши ва уларнинг даромадлари бўйича бюджетга тўловларнинг ўтказиб борилиши борасидаги камчиликлар ҳам масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Дорихонада амалда камида 3-4 киши (раҳбарлар билан бирга) доимий иш билан банд. Ўрганишларда эса жуда кўплаб дорихоналарда йилнинг ўтган 10 ойлик фаолияти давомида ҳисоб рақамидан иш ҳақи харажатлари амалга оширилмаган. Аммо соҳада фаолият кўрсатаётган бирор бир ходим 10 ойдан бери иш ҳақи берилмаётганлиги ҳақида ҳеч кимга мурожаат қилмаган.

Мазкур таҳлиллар соҳада фаолият олиб бораётган бир қатор тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ базаси яшириб келинаётганини кўрсатади. Ваҳоланки, карантин даврида жуда кўплаб соҳа ва тармоқлар иши тўлиқ ёки қисман тўхтаб қолган бўлса-да, дорихоналар фаолиятида бундай иқтисодий қийинчилик, савдо тушуми пасайиб кетиши кузатилмади. Ушбу тадбиркорлик субъектлари савдо тушумларини тўлиқ ҳисоб рақамлари орқали айланишини таъминлаш, ишчи ва ходимларнинг бандлигини расман таъминлаб, иш ҳақи тўловларни расмий равишда тўлаб боришса, бюджетга солиқ ва бошқа тўловларни тўласа, бу иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам, қолаверса корхонанинг ўзи учун ҳам фойдалидир.

**Марказий банк вилоят бош бошқармаси ахборот хизмати.**



**Жомбой туманидаги Эски Жомбой маҳалласида яшовчи Лобархон Ҳайдарова қарийб йигирма йилдан буён тикувчилик билан шуғулланиб келади.**

– “Устоз-шогирд” анъанасини давом эттириб, бир гуруҳ ёшларга ўз ҳунаримни ўргатяпман, – дейди Л.Ҳайдарова. – Айни пайтда матога турли гулли шакллар ва ёзувларни босиш имконини берадиган бешта тикув машинкада шогирдларим билан замонавий дизайндаги пардалар, шунингдек, буюртма асосида турли хилдаги кийим-кечаклар, чойшаб ҳамда ёстиқ жилдларини тикяпмиз. Келгусида 20 та замонавий дастгоҳ харид қилиб, туман марказида тикувчилик цехини ташкил қилмоқчиман.

**Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ олган сурат.**

# ҚАМРОВ ОШДИ, ТЕЗЛИК-ЧИ?



Яқинда пойтахтдан ўз тизимидаги ишларнинг натижасини билиш мақсадида Самарқандга келган амалдорлардан бири қўлидаги телефонда интернет яхши ишламаётганидан нолиб қолди. «Самарқандда Тошкентдагидай тезлик йўқ, ака», дея олди шу атрофдаги ходимлардан бири. У ҳайрон бўлганча, пешанасини тириштириб, нари кетди.

Хўш, Самарқандда бу йил интернет тезлиги қанчага ортди? Алоқа сифати, чекка қишлоқларга ҳам интернет етиб бориши учун қандай ишлар амалга оширилди? Бу ҳақда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Дилмурод ХЎЖАМБЕРДИЕВ билан суҳбатлашдик.

**— Бу йил аҳоли ҳар йилгидан кўпроқ сифатли интернетга эҳтиёж сезди ва тармоққа уланиш истагидагилар ҳам бир неча баравар ортди. Бу масалада вилоятда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Тўғри, пандемия даврида ахборот-коммуникация технологияларига бўлган талабнинг кескин ошганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хоҳ давлат органи, хоҳ тадбиркорлик субъекти ёки оддий халқ вакили бўлсин, барчанинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга эҳтиёжи ошди. Интернетга талаб деярли барча аҳоли қатламида вужудга келди. “Онлайн дарс”, “онлайн йиғилиш”, “онлайн савдо”, ҳаттоки “онлайн суд” ва “онлайн учрашув” каби тушунчалар аввалдан мавжуд бўлса-да, амалда деярли фойдаланилмай келинаётган эди, пандемия даврида эса улардан кенг фойдаланилди ва фойдаланилмоқда.

Аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини симли телекоммуникация тармоғи, сифатли мобил алоқа ва мобил интернет хизматлари ҳамда телерадио хизматлари билан таъминлаш мақсадида тегишли давлат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2020 йилнинг ўтган 10 ойи давомида вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, рақамли инфратузилмани ривожлантириш доирасида 1124,4 километр оптик толали алоқа кабели тортилди ҳамда вилоят бўйича жами оптик толали алоқа кабеллари узунлиги 4153,4 километрга етди. Монтаж сиғими 37056 та абонент улаш имкониятига эга бўлган 101 та кичик мини станциялар ва 97280 та портли 52 та замонавий телекоммуникация қурилмалари олиб келиниб, вилоят ҳудудларига ўрнатилди.

Ушбу қурилмаларнинг ўрнатилиши натижасида, вилоятимиздаги АТСларнинг умумий монтаж сиғими 142 мингдан ортди, кенг полосали портларнинг умумий монтаж сиғими 280 мингга етказилди ва кенг полосали портларнинг умумий сиғими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар ўсишига эришилди.

Ҳозирда кенг полосали телекоммуникация тармоғига уланганлар сони 97 мингдан ошди, жорий йилнинг ўзида 33 минг фойдаланувчи мазкур тармоққа уланди.

**— Жорий йил бошида вилоятда умуман алоқа мавжуд бўлмаган қишлоқлар сони 40 дан зиёд эди. Ҳозир-чи? Уларнинг сони ўзгардими?**

— Жорий йил бошида вилоят бўйича мобил алоқа қамрови мавжуд бўлмаган аҳоли пунктлари 43 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида Uzmobile мобил алоқа компанияси томонидан 15 та, Mobiuz мобил алоқа компанияси томонидан 1 та мобил таянч база станцияси ўрнатилиши натижасида ушбу аҳоли масканларининг 34 таси мобил алоқа ва интернет хизматлари билан таъминланди.

Жумладан, 13 ноябрь куни Ургут туманининг узоқ ва бориш қийин бўлган, бугунги кунда мобил телефон ва интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти бўлмаган Қизилтўриқ аҳоли пунктида “Ўзбектелеком” АК Uzmobile филиалининг GSM стандартида ишловчи 2G/3G/4G база станциялари ўрнатилди ҳамда қишлоқда яшовчи аҳолига мобил телефон ва юқори тезликдаги мобил интернет хизматларидан фойдаланишлари учун қулайлик яратилди ва шу вақтнинг ўзида ушбу қишлоқ аҳолисига сим карталар сотуви йўлга қўйилди.

**— Демак, айни пайтда вилоятдаги 9 та маҳаллада алоқа йўқ?**

— Ҳа, шундай. Эндиликда мобил алоқа қамрови билан таъминланмаган аҳоли пунктларини мобил алоқа ва мобил интернет хизматлари билан таъминлаш бўйича Uzmobile ва Билайн мобил алоқа компаниялари томонидан база станцияларни олиб келиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**— Бу йил барча, айниқса, таълим соҳаси ходимлари сифатли интернет алоқага муҳтожлик сезди. Бу борада амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш йўналиши бўйича 2020 йилнинг 10 ойи давомида вилоятда мавжуд 1255 та халқ таълими объектларидан 527 тасига, 654 та мактабгача таълим ташкилотларидан 357 тасига ва 329 та соғлиқни сақлаш объектларидан 187 тасига оптик толали алоқа кабеллари ўтказилди. Мазкур ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш учун 1 000 км. дан ортиқ оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

**— Вилоятда мобил алоқа операторлари сифатли интернет алоқасини йўлга қўйишга қандай ҳисса қўшмоқда?**

— Мобил алоқа операторлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 125 та база таянч станциялари (53 та 2G, 33 та 3G ва 39 та 4G) ишга туширилди ва 547 та база таянч станциялари (36 та 2G, 86 та 3G ва 425 та 4G) модернизация қилинди. Натижада жами ўрнатилган база станцияларининг сони 2 476 тага етди.

Мазкур база станцияларининг ўрнатилиши натижасида вилоятимиздаги аҳоли пунктларининг 98,9 фоизи мобил алоқа билан, 75 фоизи мобил интернет билан қамраб олинди. Шунингдек, ҳар бир база станцияларининг юкламалари камайиб, хизмат кўрсатиш сифати ортиши таъминланди.

**— Қамров кенгайди, интернет тезлиги ошдими?**

— Аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, интернет тезлигини ошириш бўйича жорий йилда магистрал телекоммуникация тармоқларининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказларида 400 Гбит/с га, туманларда эса 40 Гбит/с га етказилди.

Интернет тармоғига уланувчилар асосан оптик толали тармоққа уланаётгани ҳам сифат янгича босқичга кўтарилаётганидан дарак беради. Аммо интернет тезлиги фақатгина шу омилга боғлиқ эмас.

**— Ҳудудларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил қилингани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Ушбу марказларнинг фаолияти нимадан иборат бўлади?**

— Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятнинг Тойлоқ, Самарқанд, Ургут, Оқдарё ва Паст Дарғом туманларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, вилоятда рақамли технологиялар ўқув марказлари сони 6 тага етди.

Мазкур марказларда ахборот технологиялари ва робототехника йўналишлари бўйича тўгараклар ташкил этилган, шунингдек, марказда ушбу соҳага қизиқишни ошириш учун киберспорт йўналиши мавжуд. Марказларнинг афзаллиги шундаки, бу ерда ёшлар компьютер саводхонлиги бўйича бепул таълим олишлари мумкин.

**Гулруҳ МЎМИНОВА суҳбатлашди.**

## БУ – ФАКТ !

**2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятимизда боқилаётган отларнинг умумий бош сони 26 572 тага етди.**

2019 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда отлар бош сони **575 та**га (2,2 фоиз) кўпайди.

**Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.**

# Касаба уюшмалари куни белгиланди

Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги VIII қурултойи ўтказилди. Президентимиз қурултой иштирокчиларига йўллаган табригида 11 ноябрни “Касаба уюшмалари куни” деб белгилаш таклифини билдирди. Шу йил 23 ноябрь куни эса “Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни, дея белгиланди.

Вилоят қурилиш бош бошқармасида ташкил этилган йиғилишда ушбу қонун ва касаба уюшмалари куни моҳияти ҳақида гап борди.

Йиғилишда кейинги йилларда касаба уюшмаси тизимининг ўрни ва роли ошаётгани таъкидланди. Айниқса, касаба уюшмаси аралашуви билан ишчи-ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланаётгани, қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниб, улар учун муносиб меҳнат шароити яратилаётгани қайд этилди.

**Умар ИСАЕВ, вилоят қурилиш бош бошқармаси касаба уюшмаси раиси.**

# Марказда ўқиган аёл ўз ишини топа олиши керак

Бугун қишлоқ ҳудудларда даромад топишнинг қўшимча қандай имкониятлари бор, барча соҳаларда ривожланиш, ўзгариш бўлаётган пайтда чекка ҳудудларда ердан, томорқадан, ҳунаридан қандай қилиб яхшироқ даромад топиши мумкин?

Вилоят “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” бир йилдан бери шу масалада ишсиз аёлларга кўмак бериб келмоқда. Хотин-қизларга бизнес асослари, бизнес-режа тузиш, тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси, ахборот тизимлари ва технологияси, оилавий боғча, оилавий меҳмонхона ташкил этиш, томорқа технологиялари, балиқчилик, гулчилик курси, иссиқхона ташкил этиш каби бугуннинг муҳим талаблари ўргатилмоқда. Эътиборли жиҳати, ҳафта давомида дарсларнинг уч куни амалий соатларни ташкил этади. Яъни, қатнашчилар туманларда турли соҳаларда янгича тадбиркорлик туридан даромад топаётган ишбилармон аёлларнинг фаолияти билан яқиндан танишадилар, керак бўлса ҳамкорлик қилишади. Масалан, курсимиз қатнашчилари яқинда Каттақўрғонда киви етиштираётган тадбиркорнинг иссиқхонасига, Самарқанд туманида гулчилик ва балиқчиликни йўлга қўйган, Тойлоқда қўзиқорин етиштираётган аёлларнинг фаолияти билан танишдилар. Айтиш керакки, бу аёллар ҳам ишини бошлаётган пайтда ҳали ўрганилмаган соҳа, дея анча иккиланишган. Мана шу каби иккиланиш, ўзига нисбатан ишончсизлик ҳам тренингларимиз давомида ижобий томонга ўзгаради.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш билан бирга уларга моддий томондан кўмаклашиш мақсадида 40 соатлик машғулотлар якунида билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар олиш учун марказ томонидан сертификатлар берилган.

2020 йил давомида марказ томонидан 567 нафар аёллар ўқитилиб, 357 та сертификат берилди. Марказимиздаги ўқув курсларига маҳаллалардаги иқтисодий жиҳатдан қийналаётган, шунингдек, ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган хотин-қизлар бепул таҳсил олмоқда.

**Сайёра САЛИМОВА, вилоят “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази“ раҳбари.**

Халқаро миқёсда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши курашиш бўйича ёндашувлар ўзгарди, жумладан, республикамизда ҳам.

# ОИВ йўқлиги ҳақида маълумотнома бериш мумкин

Биринчидан, даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари ОИВга тиббий текширувдан ўтаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар махфийлигини таъминлаши шарт.

Тиббиёт ходимлари ОИВни юқтириб олган шахсни даволаш ҳамда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шифокор сирини сақлаган ҳолда шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиб, унинг ҳуқуқларини поймол қилмасдан зарур тиббий ёрдам кўрсатиши лозим.

Амалиётга татбиқ этилаётган ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қоидалари ва текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра, ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида тасдиқланган шаклдаги сертификат берилиши таъминланади. Ушбу сертификатни бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фақат ОИТСга қарши курашиш марказларида




ҳақ эвазига амалга оширилади. Бошқа тиббий муассасалар томонидан берилган ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисидаги сертификат ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

**М.ЧУЯНОВА,**
**вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази лаборатория мажмуаси врач-лаборанти.**

# Аввал оилага тайёр бўлинг...

Бобо-бувиларимиз "Оила – муқаддас, унга хиёнат қилиб бўлмайди, битта оила бузилса, арши-аъло титрайди" деган гапни кўп такрорлайди.

Ҳозирги кунда, афсуски, бу нақлга амал қилмайдиган ёшлар орамизда кўпаяётгандек. Бунга мисол - яқинда севишиб турмуш қурган оила, бугун ажрашиш учун судга ариза беряпти. Сабаб нима? Нега севишиб турмуш қурган ёшлар бир ой яшамасдан ажрашмоқда? Нима учун ота-она индамасдан қараб турибди?

Асосий сабаб эрта турмуш қуриш ва ота-онанинг бепарволигида. Эндигина ўн саккиз ёшга тўлган ёшлар ҳали хаёлий оламда сайр этиб, оила нима, турмуш нима - англаб етганича йўқ. Бунинг учун, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга оиланинг муқаддаслиги, ҳатто ўзининг манфаатларидан-да устунлиги, бир умр оила учун яшаб, фарзандлар ва ота-онанинг суянчиғи бўлишни онгу-шуурига сингдириш лозим, деб ўйлайман.

Ҳар бир йигит-қиз катта ҳаётга қадам қўйишдан олдин билим олиши, ҳунар



эгаллаши, оила қурганда унинг синовларини енгиб ўта оладиган бўлиши керак. Кўпгина тенгдошларимиз буни унутиб қўйишяпти. Ота-она уларни оила қургандан кейин боқиши, кийинтириши, машина олиб бериши, чўнтагига пул солиб қўйиши зарурдек.

**Шаҳзод ТОҒАЙМУРОДОВ,**
**СамДУ талабаси.**

# ДУНЁ «Зарафшон» нигоҳида



### Ўн миллион рублгача «рақам»

Россия иқтисодиёт вазирлиги 2022 йилдан бошлаб, давлат хизматлари портали орқали автомобиль ва мотоцикллар учун «чиройли» рақамлар сотиш тартибини ишлаб чиқди.

Савдо аукцион-кимошди тарзида ўтказилади. Бошланғич баҳоси 300 мингдан 10 миллион рублгача. Ҳаммасидан бир хил рақамли ва ҳарфли белгилар қиммат. Масалан, А111АА ёки С888СС 600 минг рублдан бошланади. Савдодан тушган даромадни ҳудудий ва федерал бюджетлар бўлиб олишади.

### Фиръавнларга қувват берган ҳасса

Қадимги Миср цивилизациясининг кўп сонли жумбоқларидан бири фиръавнларнинг қўлларидаги подшолик белгиси бўлган ҳассадир.

Миср ҳукмдорлари ҳайкалларда ушбу сирли ҳассани қўлларида маҳкам тутган ҳолда тасвирланган. Ҳасса ҳукмдорларга навқиронлик қуввати берган деган фикрлар мавжуд. Бироқ қадимги цивилизация сирларини тадқиқ этувчи таниқли рус тадқиқотчиси Владимир Дегтяров бир неча йил илгари бошқа тахминни илгари сурди. Фиръавн қўлидаги учи тўқмоқ ҳасса куч-қудрат ва улуғворлик рамзи бўлиши мумкин.

### Рекордчи чол-кампир

Эквадорлик Хулио Цезарь Моря ва Вальдрамина Макловия Кинтерос дунёнинг энг кекса чол-кампири сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Бахтли қариялар – эр 110 ёшда, хотин эса яқинда 105 ёшини нишонлади. Улар 1941 йилда никоҳдан ўтишган. Ҳаётдан мамнун чол-кампирнинг беш фарзанди, ўн бир невараси, йигирма бир чевараси, тўққиз эвараси бор. Дунёда салкам 80 йилдан буён бахтиёр ҳаёт кечираётган жуфтликлар ҳали учрамаган экан.

**«АиФ» (2020. 38-сон) материаллари асосида Т.МУРОД тайёрлади.**

# Ногирон орзуси

*Ҳолат*

Йигитча туғма ногирон, жисман заиф, кучсиз эди. Аммо ҳали унда жудаям кўпчиликда учрайвермайдиган гўзал, ҳассос қалб бор. Ўзича гоҳида қирғий ёки лочин мисоли самоларга кўтарилар, руҳан чўкса, тубсиз замин жисмига сингиб, йўқ бўлиб кетарди.

Инсон тасаввурлари-ю, ички ўй-хаёлларини Яратгандан ўзга ҳеч ким ўзгартириб, чегаралай олмайди. У нимани хоҳласа, шуни ўйлайди.

...Кўчада ўтирган бемор ногирон йигитчанинг ёнидан чиройли спорт либосида уч киши чопиб ўтиб кетди. Унинг ҳаваси келди: «Бунчалик чиройли уларнинг устларидаги спорт либослари-а! Агар менда ҳам шунақа яп-янги спорт либослари бўлса, кийсам, ўшалардек кучга тўлиб, чопиб кетармидим... Онамга айтсам «пенсия пулим»дан олиб берармикан шунақа либос? Эҳ-ҳ... Йўқ, онам дарҳол уришиб берадилар. Буни тижоратчи, бой Илҳом акамга айтаман, албатта, сотиб олиб берадилар, акажоним!»

Ногирон йигитча гўёки ҳозироқ яп-янги спорт либосини кийди-ю, соғайиб, зўр спортчига айланиб қолгандек сезди ўзини.

Кечгача акасини кутди.

- А-ака, акажон, менга анови одамлар чопишга киядиган чиройли спорт либосидан олиб беринг...

- Ногиронсан-ку, сенга унақа либос нимага керак? Оёқларинг шол бўлса...

- Эрталаб озроқ-озроқ, аста-аста чопаманда. Ҳой, ака, йўқ деманг, илтимос!

- Йиқилиб тушиб, бир нима бўлсанг, бошимга бало орттираман. Сенга ким қўйибди чопишни?!

- Акажо-о-он...

- Бор, жўна, нервимга ўйнама, бола...

- Акажо-о-о-н...

- Лайлакнинг қилиғини қиламан деб чумчуқнинг бути йиртилган экан! Сен касалга ким қўйибди чопишни.

Нақадар оғир ботди ногироннинг жароҳатланган қалбига бу қўрс, қўпол гап, серзарда муносабат. Япроқдек ожиз, заиф бу мурғак қалб шусиз ҳам қил устида турарди.

Қуввати тамоман тугаган ногирон оҳиста ёнбошига қийшайди ва бу совуқ оламга лаънатлар ўқиди...

Энди келтирилган ўнлаб, юзлаб спорт либосларидан нима наф?..

**Муродим УМРЗОҚОВ,**
**шифокор.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 7 декабрда 7023 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RUXSORA BONU TEXTIL" хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: "RUXSORA BONU TEXTIL" ХК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 25 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Абдулла Қодирий кўчаси, 64-уй.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 301750063.

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2014 йил 27 ноябрда 11923 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AMIR BINOKOR" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "AMIR BINOKOR" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 24 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Тонг кўчаси, 2-йўлак, 6-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 303102083.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Хабулаева Шарога (2005 йил 30 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Рахманов Аббосга (1999 йил 7 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Шакаров Холик Очиловичга (2020 йил 29 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Абдурашидов Мамадмуродга (2017 йил 10 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

* * *

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Шукриллаев Солижон Файзуллаевичга (2019 йил 7 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Шарипов Шавкатга (1999 йил 8 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиева Умида Махмудхоновна нотариал идорасида марҳум Бабаев Мустафокулга (2009 йил 5 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиева Умида Махмудхоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Курчатов кўчаси, 9-«В» уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Ашуров Сувонкулга (2017 йил 14 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Нажмиддинов Саидга (2019 йил 22 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистраль алоқа линияларининг муҳофаза ҳудудига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, **жумладан:**

*– рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш.*

*– магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш.*

*– магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш.*

*– турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш.*

*– магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза ҳудудида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши, ҳалқа қидирув ишларини олиб бориш.*

*– турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш.*

*– магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш* **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**




Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.

Корхона, ташкилот ва аҳоли мурожаатлари учун енгиллик яратиш мақсадида 1133 қисқа рақам - «Мурожаат телефони» ишга тушганлигини, 1133 рақамига қўнғироқ қилиб, бизнинг вакилларимиз билан боғланишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

**ЭСДА ТУТИНГ!** Агарда сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада 1133 қисқа рақамига, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали ҳудудий техник боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистрал алоқа линияларини эксплуатация қилувчи техник боғламалар ва уларнинг кабел участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

**«ТТТ» филиали тўртинчи техник боғламаси,** Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси, 18-уй. Телефонлар: 1133 қисқа рақами ёки 99-599-01-77, 599-99-00, 599-01-66.

**Биринчи кабель участкаси,** Булунғур шаҳри Самарқанд кўчаси. Телефонлар: 99-599-02-66, 66-240-08-34, (соат 8:00 - 17:00) 66-442-68-15, 240-08-33.

**Иккинчи кабель участкаси**, Каттақўрғон шаҳри Чағанoқ кўчаси. Телефонлар: 99-750-02-42, 66-455-24-54.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали **10-техник боғламаси**, Навоий шаҳри Садоқат кўчаси, 2-"Б" уй. Телефонлар: 1133 қисқа рақами ёки 99-750-08-38, 95-603-07-38, 99-756-55-99, 93-539-55-99, 79-224-74-21.

**Биринчи кабель участкаси**, Ғиждувон шаҳри Ғовшон қишлоғи. Телефон: 95-603-33-25.

**Иккинчи кабель участкаси**, Учқудуқ шаҳри, ДЭУ қўрғони. Телефон: 99-750-02-32, 79-593-09-35.

**Учинчи кабель участкаси**, Нурота шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 32-уй. Телефон: 95-603-31-32.

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ТЎРТИНЧИ ТЕХНИК БОҒЛАМАСИ.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Булунғур иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2012 йилда Абдурахманов Обид Мамазия ўғли номига берилган К № 2486978 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги «JONIBEK SHURBEDANA DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 304202267) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2012 йилда Ходжиев Фуркат Курилишевичга қарашли Самарқанд шаҳри Тераксзор маҳалласи Гулзор кўчаси, 33-уй-жой учун берилган 1714 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Паст Дарғом туман филиалидан «DILOROM SHAXNOZA» хусусий корхонасига қарашли Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Пўлатчи маҳалласида жойлашган тугалланмаган ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Ал-Хоразмий ворислари нодавлат таълим муассасасидан 2020 йилда Ортиқов Сухроб Тоҳир ўғли номига берилган UM № 0537608 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сиёб тиббиёт коллежидан 1994 йилда Болтаева Зулайҳо Икромовна номига берилган рўйхат рақами 26895, № 027044 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Яркулов Нурбек Тўлқин ўғли номига берилган UM № 0279707 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «ELAMIR» оилавий корхонасининг (СТИР: 304913316) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон шаҳар транспорт коллежидан 2017 йилда Очилов Давронбек Эркин ўғли номига берилган рўйхат рақами 0417, К № 4698072 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Келдиёрова Дилдора Олимовна номига берилган O`R-SH № 0816273 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги «DOUMSAID BARAKA OMAD BAXT» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307603367) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Хабибов Икрам Рахматович якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 444437956) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Шерматов Жавлон Мустанович якка тартибдаги тадбиркорига (СТИР: 436554364) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган назорат касса машинасининг ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги «EVO TRIO» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306395952) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Турсунова Насиба Обидовна номига берилган U № 1113550 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 92-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Исканов Шамшод Ёрмат ўғли номига берилган UM № 0525728 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Тожиев Жаҳонгир Субхон ўғли номига берилган U № 6893379 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Асламова Шаҳноза Болта қизи номига берилган U № 3677812 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 31-ўрта мактабдан 1993 йилда Халикова Мадина (ҳозирда Абдурасулова Мадинабону) Гафуровна номига берилган АУ № 139285 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Челак транспорт касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Пайариқ туман 2-сон касб-ҳунар мактаби) 2020 йилда Худайбердиев Отабек Анварович номига берилган рўйхат рақами 5198, К № 5897510 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси жамият таъминот бўлими бошлиғи **Гарик ИСРАИЛЯН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

*Мозийдан садо*

# Мирзо Улуғбек илмий меросини Ғарбга ёйган аллома

**Мирзо Улуғбек Али Қушчини "фарзанди аржуманд" деб атаган. Али Қушчи нафақат темурийлар давлати, балки бутун дунё илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган олимдир.**



Тўлиқ исми Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий бўлиб, "Қушчи" унинг тахаллуси саналган. Улуғбек саройида қарчиғай боққанлиги учун унга "Қушчи" тахаллуси берилган.

Али Қушчи Улуғбек вафотидан кейин Самарқандда узоқ қолмаган. Кўп ўтмай ҳаж сафарига отланган. Айнан унинг Самарқандни тарк этиши бу ердаги аниқ фанларнинг ривожи сусайишига бир қадар таъсирини ўтказган.

Али Қушчининг ҳаж сафарини тўлиқ адо қилганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келмаган. У Самарқанд шаҳридан чиқиб Озарбайжонга боради. Уни кутиб олган оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан Али Қушчидан шу ерда қолишини сўраган. Ўзига билдирилган муносабатдан кўнгли тўлган Али Қушчи Табризда маълум вақт яшаган. Ўз навбатида илм-маърифат билан биргаликда сиёсатни ҳам яхши билган олим Мирзо Улуғбек даврида элчи сифатида ўзини кўрсатган эди. Оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан илтимоси билан Али Қушчи Усмонлилар давлатига элчи сифатида борган.

Султон Меҳмет уни ҳурмат билан кутиб олган. Истанбулда йиғилган олимлар Али Қушчи билан суҳбатлашишга шошилган. Бу ерда унга билдирилган муносабатдан жуда мамнун бўлган. Султон Меҳмет ундан шу ерда қолишини сўраган. Лекин сиёсат билан илмни аралаштирмаслик мақсадида олим ўзига билдирилган таклиф учун султонга миннатдорчилик билдириб, шундай жавоб берган: "Мен ҳозир элчи сифатида ҳузурингизга келдим. Вазифамни адо қилгач, таклифингизга ўз жавобимни бераман".

Али Қушчининг берган жавоби Султон Меҳметни ҳайратга солган. Элчилик вазифасини адо қилиб, Табризга қайтиб келгандан кейин, у султон таклифини қабул қилган.

Йилдирим Боязид университети декани профессор Ахмет Канкал ўз мақоласида Али Қушчи Истанбулга келиши билан мадрасаларда ўтилиши лозим бўлган фанлар бўйича ўқув дастурини Мулла Хусрев билан биргаликда тузганлигини ёзади. Султон Меҳмет дастлаб унга кунлик 100 танга, кейинчалик 200 танга миқдорида маош белгилаган. Али Қушчи Аё София мадрасасида астрономия ва математика фанларидан ёш олимларга сабоқ берган.

Али Қушчининг Истанбулдаги фаолияти ҳақида турк олимларидан бири А.Адивар шундай деган: "Усмонли туркларнинг математикаси ва астрономия нуқтаи назаридан ёрқин даври Султон Фотиҳ даврида Туркистондан Истанбулга келган Алоуддин Али бин Муҳаммад Қушчи билан бошланади".

Али Қушчи Аё София масжиди гумбазида осмон жисмларини кузатган. У Истанбулда ўзининг машҳур икки асарини яратган. Бу асарлардан бири "Фотиҳий", иккинчиси "Муҳаммадий" номлари билан аталган.

Турк олими Мустафо Качарнинг келтиришича, Али Қушчи Истанбулда устози Мирзо Улуғбек тадқиқотларини давом эттириш билан бирга унинг астрономияга оид асарлари бутун дунёга ёйилишига ҳам катта ҳисса қўшган. Айнан XV асрда унинг Истанбулда астрономик кузатишлар олиб бориши эндигина илм-фан соҳасида оёққа тураётган Европага катта мадад бўлган. Хусусан, XVI аср Европада логарифм ихтирочиси сифатида танилган Напиер ҳам Али Қушчи асарларини кунт билан ўрганган. Ҳатто Европанинг машҳур астрономларидан бири Николай Коперник ҳам унинг асарларини мукаммал билган.

Али Қушчи сабоқларидан Европа давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Германиядан келган ёшлар баҳраманд бўлган. Натижада XV аср охиридаёқ Улуғбек ва унинг "Зиж"и ҳақидаги маълумотлар бутун Европа бўйлаб тарқала бошлаган.

XV асрда бошланган буюк географик кашфиётларнинг самарали чиқишида ҳам Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг инкор қилиб бўлмас хизматлари бор. Чунки денгизчилар ўзлари учун нотаниш жойларда юлдузларга қараб йўл топишда, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг "Зиж"и катта аҳамият касб этган.

Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг илм-фанда эришган ютуқларини янада бойитиб, Европага тақдим қилган. Унинг бу хизматлари Европада астрономия ва математика фанларининг янада ривожланишига ижобий туртки бўлган. Биргина Али Қушчи мисолида бир вақтлар Самарқанд шаҳрида бунёд этилган Улуғбек мадрасаси дунё илм-фанига қўшган ҳиссасининг нақадар улкан эканлигини кўриш мумкин.

**Лочин ЭЛИМОВ,**
**Самарқанд давлат университети ассистенти.**

*Бугуннинг гапи*

# Ўқишдан бошқа дардимиз бўлмаса

Ўтган йили кузда таҳририятимизга ўзини Улуғбек деб таништирган йигит келиб, шеър ва мақолаларини газетамизда чоп этиб туришимизни илтимос қилди. Журналистикага қизиқишини, ижодий ишлари билан газетада қатнашиб туришни хоҳлаётганини билдирди. Ёшини, маълумотини сўраганимда ҳали мактабда битирувчи синф ўқувчиси эканини айтди.

Шеър ва мақоларини кўздан кечирдим. Бинойидек ёзар экан. Тарбияласа яхши ижодкор чиқишига ишондим.

– Укажон, буларни олиб қоламан, аммо...
– дедимда бир оз жим туриб, унинг кўзига қарадим, "аммо..." сўздан кейин кайфияти бузиладимикан, деган хаёлда. Кутганимдек бўлди. Юз-кўздан газетада исм-фамилияси чиқишидан умиди узилгандек эди. Кейин сўзимда давом этдим: - Бу билан сизнинг мақола ва шеърларингизни чоп этмаймиз, демоқчимасман. Сиз каби иқтидорли ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бурчимиз. Фақат айни пайтда ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўришдан чалғимаслигингиз керак. Вақт оз қолган.

Шу-шу ўша йигит таҳририятга қайтиб келмади. Мендан хафа бўлмадимикан, деган хаёлга бордим. Бир мақоласини газетамизда чоп этдик ҳам.

...Орадан бир йил ўтиб, кўл телефонимга нотаниш рақамдан СМС хабар келди: "Устоооз, грааант! Сизга раҳмат! Таҳририятга бориб, маслаҳатингизни олганимдан кейин ортиқча нарсаларга вақт сарфламасдан фақат ўқидим. Натижада ўзим истаган олий ўқув юртига грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Ва англаб етдим, ўқишдан бошқа дардимиз бўлмаслиги керак экан. Энди мақолаларимни газетада чиқариб турасиз-а?!"

Бу ўша – Улуғбек Камоловдан келган хабар эди. Бундан бошим кўкка етди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

# Урганжида янги кутубхона

**Пахтачи туманидаги Урганжи маҳалласида янги кутубхона фойдаланишга топширилди.**

Кутубхонанинг очилишига бағишланган тадбирда туман ҳокими М.Ҳамдамов, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди ва бу ерда китобхонлар учун яратилган шароитлар билан танишди.



– 2 минг 300 китоб фондига эга кутубхонамиз Урганжи ва қўшни Оқтепа маҳаллаларида яшовчи 7 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, – дейди кутубхона мудираси Марзия Ёрқулова. – Китоблар асосан ҳомийлар ва китобсеварлар кўмагида жамланди. Хусусан, таниқли шоир Фармон Тошев ўзининг 120 дан зиёд, депутат Эркин Нурбоев 100 дан ортиқ, Исоқул Ўринов, Турғун Мардонов, Раъно Аҳмедова каби китобсеварлар 50-60 тадан китоб совға қилишди.

Дарвоқе, ушбу маънавият ўчоғи ҳам шу маҳаллада яшовчи тадбиркорлар кўмийлигида қурилди. Кутубхонанинг мутолаа зали бир вақтнинг ўзида 30 нафар китобхонга хизмат кўрсатади.

**Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.**

**Инсон маънавияти, унинг дунёқараши, мустаҳкам эътиқоди, ижтимоий фаоллиги, жамият ва табиат олдидаги юксак ахлоқий масъулиятини чуқур англаб етганлиги тўғрисида сўз борганда баркамол шахс назарда тутилади. Бу тушунча унинг шахс сифатида ўзлигини англаши, ўзи ва инсоният олдида фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этиши билан узвий боғланган.**

# Руҳни озиқлантирувчи малҳам

Ёшларни имон-эътиқодли, миллий ғояга садоқатли, ўз ватани, миллати, дини, тили, тарихи, маданияти, урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Шахсни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук қилиб тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёс. Китоб дилни покловчи, руҳни озиқлантирувчи малҳамдир. Китобга меҳрсиз одам тузалмас беморга ўхшайди. Китоб шунчалик қувватга эгаки, кўнглимизга офтоб мисол илиқлик, эзгулик бахш этади. Йўлимизни машъаладек ёритади. Бу ўринда буюк мутафаккир Муҳаммад Жабалдурийнинг қуйидаги фикрлари ёдга тушади: "Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бор, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан".

Китоб мутолааси инсонни ўзини англашига, борлиқни тушунишига ёрдам беради. Инсон учун сув қанчалик зарур бўлса, китоб ҳам инсон ҳаётида, камолотида шунчалик муҳим. Глобал муаммоларга ечим топиш учун жамиятда китоб ва унинг мутолаасини, китобхонлик маданиятини янада ошириш керак. Китоб ўқимай қўйилса саводсизликка йўл очилади, саводсизлик эса катта парокандалик демакдир. Бутун миллат, халқ шу аҳволга тушса, жамият емирилиб, таназзулга учрайди. Демак, таназзулдан йироқ бўлиш, фикрлашдан тўхтамаслик учун, бугунимиз ва эртамиз нурафшонлиги учун кўприк китоб ўқийлик.

**Дурдона ЮНУСОВА,**
**вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси.**

**Тарбия жараёнида ўқувчининг қобилияти ривожланади, ғоявий, ахлоқий, эстетик хислатлари шаклланади. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига (таълим жараёнида), ҳиссиётига (дарсда ва турли синфдан ташқари ишларда), иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнида) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади.**

# Таълим тарбиядан ажратилмайди

Бу жараёнда булардан бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбияланганлик жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормаларга бўйсуниш ва ўзгаларнинг нафратини қўзғатадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билишдир. Демак, тарбияланганлик барча ижобий хулқларни ўзида мужассамлаштириб, салбий хулқлардан фориғ бўлиш дегани.

Педагогика тарихидан маълумки, таълимни тарбиядан, тарбияни ривожланишдан ажратиб бўлмайди. Тарбия маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқоти ҳисобланади.

**Гулшода АБДУРАСУЛОВА,**
**Самарқанд шаҳар 5-умумий ўрта таълим мактаби амалиётчи психологи.**

*Маърифат*

# Мактабда "Спорт дақиқаси" белгиланди

**Бугунги кунда инсон саломатлиги ва уни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда зарарли одатлардан воз кечиш, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш масалаларига эътибор қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас.**

Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабида мактаб ўқувчилари ўртасида волейбол, футбол мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида дарслар орасидаги катта танаффус "Спорт дақиқаси" этиб белгиланди. Дарс бошланишидан олдин эса барча синфларда 2 дақиқа муддатда нафас олиш машқлари бажарилмоқда.

**Зилола ХОЛМАМАТОВА,**
**ўқитувчи.**

*Спорт хабарлари*

## Кўл жанги

**Самарқанд шаҳрида қўл жанги бўйича ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида "Самарқанд вилояти кубоги-2020" спорт мусобақаси ўтказилди.**

Вилоятнинг барча спорт мактаблари тарбияланувчилари иштирок этган беллашув якунида Самарқанд шаҳрининг "Миртемир" жамоаси кубок соҳиби бўлди.

***

## Ўқ отиш спорти

**"Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгашида ўқ отиш спорт тури бўйича мусобақа ташкил этилди.**

Унда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази, Самарқанд бирлашган техника мактаби ҳамда "Афросиёб" ўқув спорт техника клублари ходимлари ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Якунда умумжамоа ҳисобида Самарқанд бирлашган техника мактаби ходимлари биринчиликни эгаллади.

***

## Баскетбол

**Самарқанд шаҳрида баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.**

Мусобақада республикамизнинг барча вилоятларидан келган терма жамоалар ўзаро баҳс олиб борди. Унда вилоятимиз баскетболчилари чемпионликни қўлга киритди. Хоразмликлар иккинчи, Навоий вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

***

**2005-2007 йилларда туғилган ўғил ва қизлар ўртасида вилоят чемпионати бўлиб ўтди.**

Мусобақа якунида ўғил болалар ўртасида вилоятнинг "Самарқанд-1" жамоаси, қизлар ўртасида Самарқанд шаҳри баскетболчилари биринчи ўринни қўлга киритди.

Иккинчи ўрин "Самарқанд-2" ва Булунғур тумани жамоасига, учинчи ўрин Пахтачи ҳамда Тойлоқ тумани жамоаларига насиб этди.

**Ҳусан ЭЛТОЕВ.**

***

## Футбол

**Ургут туманининг Украч қишлоғида тадбиркорлар Фарҳод ва Фирдавс Худоёровлар томонидан мини футбол ўйингоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Унинг очилишига бағишланган тадбирда туман маҳаллалари ёшлари ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди. Финалда Тароқли ва Найман маҳалласи футболчилари ўзаро беллашди. Ўйинда Тароқли маҳалласи ёшлари ғолибликни қўлга киритди.

**Норпўлат МУҚИМОВ.**

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 698 нусхада чоп этилди. Буюртма 715

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Г.МЎМИНОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009